



2016 yil "22" апрель № 140

Farg'ona shahri

**Вилоятда миший чиқиндиларни йиғиши, сақлаш ва ташиб  
кетишиң фоалиятыни тартибга солиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 2002 йил, 4-5-сон, 72-модда) асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 14 августдаги “Аҳолига сотиладиган ёқилғи, энергия ва кўрсатиладиган хизматлар чакана нархлари ҳамда тарифларини қайта кўриб чиқиши тўғрисида”ги 381-сонли, 2013 йил 3 декабрдаги “Республика ахоли пунктларида санитария жихатдан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 315-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 49-сон, 632-модда) ҳамда 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Қаттиқ ва суюқ миший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиши хизматлари кўрсатиш қоидалари” ижросини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 30-сон, 368-модда) таъминлаш мақсадида, шунингдек, бу борадаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 2 октябрдаги БЮ/15-04-34-26/125-1827-сонли хатини инобатга олган ҳолда, худудларда қаттиқ ва миший чиқиндиларни тўплаш, ташиб ва утилизация қилиш хизматларини такомиллаштириш ҳамда санитария ҳолатни яҳшилаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 2 октябрдаги БЮ/15-04-34-26/125-1827-сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Худудларда қаттиқ ва миший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиб кетиши хизматлари тарифларининг миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ободонлаштириш бошқармалари ҳамда санитар тозалашга ихтисослаштирилган ташкилот раҳбарларига:

вилоятдаги барча юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар учун шартномалар тузилиш ҳамда кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни ундириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриб бориш;

хизмат кўрсатадиган ташкилотлардаги мавжуд автотранспорт воситаларини автоматлаштирилган назорат тизими (GPS) ускуналари билан жиҳозлаш;

хизмат кўрсатадиган ташкилотлардаги санитар тозалаш хизмати абонентлари ва кўрсатилаётган хизматлар ҳисоб-китобини автоматлаштириш мақсадида “Биллинг” дастурини жорий қилиш;

бир ҳафта муддатда аҳоли пунктлари ҳудудидан чиқинди ташишнинг кунлик режа-графигини ишлаб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокими тасдигига киритиш ва ушбуни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида аҳоли эътиборига етказишни таъминлаш;

мазкур фаолият давомида заарсиз чиқиндиларнинг вужудга келиши меъёрлари, санитария-гигена қоидалари ва бошқа меъёрий хужжатларга қатъий амал қилган ҳолда иш олиб бориш;

кўрсатилаётган хизмат сифатини ва самарадорлигини ошириб бориш мақсадида, иш фаолияти давомида пайдо бўладиган бўш айланма маблағлар ҳисобидан ташкилотнинг моддий техник базасини ривожлантириб бориш, кўшимча ва янги техника, транспорт, асбоб - ускуналар ва жиҳозлар ҳарид қилиб бориш;

аҳоли пунктларида жойлашган майший чиқиндиларни тўплаш хандакларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш;

ободонлаштириш бошқармаларида техникаларни янгилаш бўйича очилган алоҳида шахсий ғазна ҳисоб рақамига маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ тушишини қатъий назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ жойларда санитар тозалов корхоналари томонидан қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва ташиб келиш хизматлари учун ҳисоб-китобларни амалга оширишда ҳудудда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари, юридик ва жисмоний шахслар, паспорт тизими бўйича доимий рўйхатдан ўтган манзилидан қатъий назар, яшаётган манзилида оила сонидан келиб чиқиб, ҳисобланиши ва тўлаш тартиби белгилансин.

5. Вилоятда мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона ва ташкилот раҳбарлари, ўз ҳудудларида ҳосил бўлган қаттиқ ва майший чиқиндиларни тасдиқланган тарифлар бўйича ташиб чиқариш юзасидан хизмат кўрсатаётган санитар корхоналар билан шартнома тузилишини, шунингдек, кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб борилишини амалга оширсинлар.

6. Марказий банк Фарғона вилояти бош бошқармаси (Эгамов) Ободонлаштириш бошқармалари ва ихтисослаштирилган санитар корхоналар томонидан хизмат кўрсатувчи тижорат банклари ва назоратчи (кассир)лар ўртасида З томонлама меҳнат шартномасини тузиш орқали ёлланма кассирни белгилаш ва аҳолидан пул тўловларини йигишини йўлга кўйишни таъминлаш, банк мижозларидан қаттиқ ва майший чиқинди ташиб чиқариш бўйича

кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб борилишини назорат қилиб борсин.

7. Барча туман (шахар) ҳокимлари бир хафта муддатда ҳудудларда қаттиқ ва майший чиқиндиларни ташиб кетиш, хизмат кўрсатиш бўйича тарифларни белгилаш юзасидан қабул қилган ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин ва вилоят ҳокимлигига ахборот бериб борсин.

8. Мазкур қарор “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарорининг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринbosари О.Аҳмедов зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими**

**Ш.Ғаниев .**